

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш


2024 йил якуни бўйича.

- I. Ўзбекистон Республикасидаги шифохона муассасалари ҳамда улардаги бемор ўринлари
- II. Ўзбекистон Республикасидаги амбулатория-поликлиника муассасалари
- III. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган барча мутахассисликлар бўйича шифокорлар ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари
- IV. Аҳолининг касалланиш даражаси ҳамда шифохона муассасаларида даволанган беморлар
- V. Соғлиқни сақлаш бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

I. Ўзбекистон Республикасидаги шифохона муассасалари ҳамда улардаги бемор ўринлари


Шифохона муассасаси — кечаю-кундуз тиббий ёрдам кўрсатувчи, беморларни ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилиш учун мўлжалланган, профессионал тайёрланган кадрларга эга ва камида битта шифокори мавжуд стационар даволаш муассасаси.

Ўзбекистон Республикасидаги шифохона муассасалари сони
(тегишли йил якуни бўйича, бирлик)



2024 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган шифохона муассасаларининг умумий сони **1 972 тага** етди ва 2023 йилга нисбатан **540 тага** кўпайиб, **37,7 % га** ўсишни ташкил этди. Умумий шифохона муассасалари сонидан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган муассасалар сони **1 301 тани** ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан **577 тага**, яъний **79,7 % га** ошди.

Шифохона муассасаларидаги бемор ўринлари сони
(тегишли йил якуни бўйича, минг бирлик)



2024 йил якунида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган шифохона муассасаларидаги бемор ўринлари сони **179,9 мингтага** етди ва 2023 йилга нисбатан **5,4 мингтага** кўпайиб, **3,1 %** га ўсишни ташкил этди.

Шифохона муассасалари ҳамда улардаги бемор ўринлари
сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2024 йил якуни бўйича, бирлик)

	Шифохона муассасалари сони		шундан, кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган муассасалар сони		Бемор ўринлари сони (минг бирлик)	
	жами ¹⁾	жамига нисбатан % даги улуши	жами	жамига нисбатан % даги улуши	жами ¹⁾	жамига нисбатан % даги улуши
Ўзбекистон Респ.	1 972	100	1 301	100	179,9	100
Қорақалпоғистон Респ.	62	3,1	21	1,6	8,3	4,6
вилоятлар:						
Андижон	265	13,4	225	17,3	16,9	9,4
Бухоро	134	6,8	98	7,5	9,8	5,4
Жиззах	71	3,6	35	2,7	6,8	3,8
Қашқадарё	136	6,9	75	5,8	14,0	7,8
Навоий	44	2,2	15	1,2	4,6	2,6
Наманган	200	10,1	160	12,3	16,5	9,2
Самарқанд	193	9,8	145	11,1	16,3	9,1
Сурхондарё	96	4,9	59	4,5	10,0	5,6
Сирдарё	48	2,4	23	1,8	4,6	2,6
Тошкент	145	7,4	76	5,8	17,3	9,6
Фарғона	245	12,4	179	13,8	18,7	10,4
Хоразм	83	4,2	52	4,0	8,6	4,8
Тошкент ш.	239	12,1	138	10,6	26,4	14,7

2024 йил якуни бўйича энг кўп шифохона муассасалари Андижон (**265 та**), Фарғона (**245 та**) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида (**239 та**) жойлашган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Навоий (**44 та**), Сирдарё (**48 та**) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (**62 та**) қайд этилган. Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган шифохона муассасаларининг энг кўпи Андижон (**225 та**), Фарғона (**179 та**) ва Наманган (**160 та**) вилоятларига тўғри келган, энг кам эса Навоий вилояти (**15 та**) ва Қорақалпоғистон Республикасида (**21 та**) қайд этилган.

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.

Шифохона муассасаларидаги энг кўп бемор ўринлари Тошкент шаҳри (**26,4 мингта**), Фарғона вилояти (**18,7 мингта**) ва Тошкент вилоятида (**17,3 мингта**) қайд этилган бўлиб, бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Навоий (**4,6 мингта**), Сирдарё (**4,6 мингта**) ва Жиззах (**6,8 мингта**) вилоятларида кузатилган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Шифохона муассасалари сони](#)

[Шифохона муассасалари сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши](#)

[Шифохона муассасаларидаги бемор ўринлари сони](#)


[10 000 аҳолига тўғри келадиган бемор ўринлари сони](#)

II. Ўзбекистон Республикасидаги амбулатория-поликлиника муассасалари

Амбулатория-поликлиника муассасалари – аҳолининг ушбу муассасаларга қатнаши ёки шифокорлар томонидан уйларга ташриф буюриши орқали аҳолига даволаш-профилактика ёрдамини кўрсатувчи муассасалардир (поликлиникалар, диспансерлар, шифохоналарнинг поликлиника бўлимлари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, тиббий-санитария қисмлари, амбулаториялар, қишлоқ (шаҳар) шифокорлик пунктлари, мустақил шифокорлик пунктлари, аёллар маслаҳатхоналари ва бошқалар).

Амбулатория-поликлиника муассасалари сони

(тегишли йил якуни бўйича, бирлик)



■ Амбулатория-поликлиника муассасалари сони (жами)

■ Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган амбулатория-поликлиника муассасалари сони

2024 йил якунида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган амбулатория-поликлиника муассасалари сони **8 107 тага** етди ва 2023 йилга нисбатан **96 тага** кўпайиб, **1,2 % га** ўсишни ташкил этди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган амбулатория-поликлиника муассасалари сони **5 090 тани** ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан **82 тага**, яъни **1,6 % га** камайди.

Амбулатория-поликлиника муассасалари сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2024 йил якуни бўйича, бирлик)

	Амбулатория-поликлиника муассасалари сони		шундан, кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган муассасалар сони	
	жами ¹⁾	жамига нисбатан % даги улуши	жами	жамига нисбатан % даги улуши
Ўзбекистон Респ.	8 107	100	5 090	100
Қорақалпоғистон Респ.	414	5,1	217	4,3
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	624	7,7	389	7,6
Бухоро	593	7,3	379	7,4
Жиззах	269	3,3	126	2,5
Қашқадарё	692	8,5	427	8,4
Навоий	353	4,4	168	3,3
Наманган	542	6,7	328	6,4
Самарқанд	724	8,9	448	8,8
Сурхондарё	443	5,5	237	4,7
Сирдарё	215	2,7	80	1,6
Тошкент	639	7,9	406	8,0
Фарғона	883	10,9	535	10,5
Хоразм	502	6,2	360	7,1
Тошкент ш.	1 198	14,8	990	19,4

2024 йил якуни бўйича ҳудудлар кесимида энг кўп амбулатория-поликлиника муассасалари Тошкент шаҳрида (**1 198 та**), Фарғона (**883 та**) ва Самарқанд (**724 та**) вилоятларида қайд этилган бўлиб, энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**215 та**), Жиззах (**269 та**) ва Навоий (**353 та**) вилоятларида кузатилган. Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъекти сифатида фаолият юритаётган амбулатория-поликлиника муассасаларининг энг катта қисми ҳам Тошкент шаҳрида (**990 та**), Фарғона (**535 та**) ва Самарқанд (**448 та**) вилоятларида жойлашган бўлиб, бошқа ҳудудларга нисбатан энг кам қисми Сирдарё (**80 та**), Жиззах (**126 та**) ва Навоий (**168 та**) вилоятларига тўғри келган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Амбулатория-поликлиника муассасалари сони](#)

[Амбулатория-поликлиника муассасалари сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши](#)


¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.

III. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган барча мутахассисликлар бўйича шифокорлар ҳамда ўрта тиббиёт ходимлари

Шифокорларнинг умумий сонига йил охирида тиббиёт, санитария ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, тиббиёт илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, кадрлар тайёрлаш муассасаларида ва бошқаларда ишлайдиган олий тиббий маълумотга эга бўлган барча шифокорлар киради.


Ўрта тиббиёт ходимларининг умумий сонига тиббиёт ва санитария ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, болалар уйлари ва бошқаларда ишлайдиган ўрта тиббий маълумотга эга бўлган барча шахслар (тиш шифокорларидан ташқари) киради.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган
барча мутахассисликлар бўйича шифокорлар сони
(тегишли йил якуни бўйича, минг киши)



2024 йил якунига кўра, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган барча мутахассисликлар бўйича шифокорлар сони **107,5 минг кишини** ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан **1,8 минг кишига**, яъни **1,7 % га** кўпайди. 2024 йил якунига қадар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган шифокорлар умумий сонидан аёлларнинг улуши **46,6 % ни**, эркакларнинг улуши эса **53,4 % ни** ташкил этди. 2023 йил маълумотларига нисбатан аёл-шифокорлар сони **1,0 % га**, эркак-шифокорлар сони эса **2,3 % га** ошди.

Ўзбекистон Республикасида ўрта тиббиёт ходимлари сони
(тегишли йил якуни бўйича, минг киши)



2024 йил якунида Ўзбекистон Республикасида ўрта тиббиёт ходимлари сони **353,8 минг кишини** ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан **33,8 минг кишига**, яъни **8,7 % га** камайди.

Барча мутахассисликлар бўйича шифокорлар ҳамда ўрта тиббиёт
ходимлари сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши ¹⁾
(2024 йил якуни бўйича, минг киши)

	Шифокорлар сони, жами	жамига нисбатан % даги улуши	улардан:		Ўрта тиббиёт ходимлари сони	жамига нисбатан % даги улуши
			эркаклар	аёллар		
Ўзбекистон Респ.	107,5	100	57,4	50,1	353,8	100
Қорақалпоғистон Респ.	5,5	5,1	1,9	3,6	19,1	5,4
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	8,1	7,5	4,8	3,3	27,9	7,9
Бухоро	6,7	6,2	3,7	3,0	22,6	6,4
Жиззах	2,8	2,6	1,8	1,0	14,8	4,2
Қашқадарё	6,7	6,2	4,4	2,3	36,9	10,4
Навоий	3,3	3,1	2,0	1,3	15,0	4,2
Наманган	6,2	5,8	3,7	2,5	27,7	7,8
Самарқанд	11,5	10,7	6,9	4,6	32,9	9,3
Сурхондарё	4,8	4,5	3,2	1,6	21,4	6,0
Сирдарё	2,0	1,9	1,2	0,8	12,7	3,6
Тошкент	7,4	6,9	3,9	3,5	29,4	8,3
Фарғона	9,9	9,2	6,1	3,8	40,0	11,3
Хоразм	6,2	5,8	3,3	2,9	16,6	4,7
Тошкент ш.	23,9	22,2	9,9	14,0	35,8	10,1

2024 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган барча мутахассисликлар бўйича шифокорларнинг энг кўп сони Тошкент шаҳри (**23,9 минг киши**), Самарқанд (**11,5 минг киши**) ва Фарғона (**9,9 минг киши**) вилоятларига тўғри келган. Энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (**2,0 минг киши**), Жиззах (**2,8 минг киши**) ҳамда Навоий (**3,3 минг киши**) вилоятларида кузатилган.

Барча мутахассисликлар бўйича шифокорларнинг гендер тақсимоли шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистон Республикаси (**65,5 %**) ва Тошкент шаҳрида (**58,6 %**) шифокорларнинг умумий сонидан аёллар улуши эркаклар улушидан юқори бўлган. Бошқа ҳудудларда эса эркак-шифокорларнинг улуши кўпроқ бўлган. Уларнинг энг кўп қисми Сурхондарё (**66,7 %**), Қашқадарё (**65,7 %**) ва Жиззах (**64,3 %**) вилоятида қайд этилган.

¹⁾ Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.

2024 йил якунига кўра, энг кўп ўрта тиббиёт ходимлари Фарғона (**40,0 минг киши**), Қашқадарё (**36,9 минг киши**) вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида (**35,8 минг киши**) қайд этилган. Бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**12,7 минг киши**), Жиззах (**14,8 минг киши**) ва Навоий (**15,0 минг киши**) вилоятларида кузатилган.

Ихтисосликлар ва айрим мутахассисликлар бўйича шифокорлар билан таъминланганлик
(тегишли йил якуни бўйича, 10 000 аҳолига нисбатан шифокорлар сони)

	2020	2021	2022	2023	2024
Жами шифокорлар,	27,0	27,1	27,9	28,7	28,6
<i>улардан:</i>					
терапевтик ихтисослиги бўйича	6,0	6,5	9,3	9,5	10,8
жарроҳлик ихтисослиги бўйича	3,3	3,3	3,2	3,3	3,3
акушер-гинекологлар (10 000 аёлга нисбатан)	3,1	2,9	3,0	3,0	3,2
педиатрлар (0-14 ёшдаги 10 000 болага нисбатан)	5,2	4,8	5,5	4,1	8,3
педиатрлар (0-17 ёшдаги 10 000 болага нисбатан)	4,5	4,1	4,8	3,6	7,1
офтальмологлар	0,5	0,4	0,5	0,5	0,5
отоларингологлар	0,5	0,5	0,5	0,6	0,6
фтизиатрлар	0,3	0,4	0,3	0,3	0,2
невропатологлар	0,8	0,8	0,9	0,9	0,9
психиатрлар	0,3	0,3	0,3	0,3	0,3
наркологлар	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
дермато-венерологлар	0,4	0,4	0,4	0,4	0,3
стоматологлар	1,6	1,8	2,2	2,1	3,3
санитария-эпидемиология гуруҳи шифокорлари	1,4	1,1	1,2	1,1	1,4
рентгенологлар ва радиологлар	0,4	0,4	0,4	0,5	0,4
онкологлар	0,1	0,1	0,2	0,3	0,3

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Барча мутахассисликлар бўйича шифокорлар сони](#)

[Шифокорлар билан таъминланганлик \(10 000 аҳолига нисбатан шифокорлар сони\)](#)

[Битта шифокорга тўғри келадиган аҳоли сони](#)

[Барча мутахассисликлар бўйича аёл-шифокорлар сони](#)

[Барча мутахассисликлар бўйича шифокорлар сонидан аёллар улуши](#)


[Барча мутахассисликлар бўйича шифокорлар сонидан эркаклар улуши](#)

IV. Аҳолининг касалланиш даражаси ҳамда шифохона муассасаларида даволанган беморлар сони

Касалланиш даражаси – бу кўрсаткич маълум бир давр мобайнида ҳар 100 000 аҳолига тўғри келадиган биринчи маротаба рўйхатга олинган касаллик ҳолатлари сонини акс эттиради. У янги касалликларни пайдо бўлиши динамикасини таҳлил қилиш, профилактика чоралари самарадорлигини баҳолаш ва тиббий ресурсларни режалаштириш учун ишлатилади.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг касалланиш даражаси

(тегишли йил якуни бўйича, 100 000 аҳолига нисбатан биринчи маротаба ташхиси аниқланган ҳолатлар сони)



2024 йил якунида Ўзбекистон Республикасида аҳолининг касалланиш даражаси ҳар 100 000 аҳолига нисбатан **57 087,6 та** биринчи маротаба ташхиси аниқланган ҳолатларни ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан **5,3 %** га камайдди.


Касалликларнинг асосий гуруҳлари бўйича аҳолининг касалланиш даражаси

(2024 йил якуни бўйича, 100 000 аҳолига нисбатан биринчи маротаба ташхиси аниқланган ҳолатлар сони)



Ўзбекистон Республикасидаги шифохона муассасаларида даволанган беморлар сони

(тегишли йил якуни бўйича, минг киши)



2024 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасидаги шифохона муассасаларида даволанган беморлар сони **7 799,6 минг кишини** ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан **881,3 минг кишига**, яъни **12,7 %** га кўпайди.

¹⁾ 15-49 ёшдаги аёлларга нисбатан.

²⁾ Перинатал ёшдаги болаларга нисбатан.

Худудларда аҳолининг касалланиш даражаси ҳамда даволанган беморлар сони
(2024 йил якуни бўйича)

	Аҳолининг касалланиш даражаси ¹⁾ (100 000 аҳолига нисбатан биринчи маротаба ташхиси аниқланган ҳолатлар сони)	Даволанган беморлар сони	
		жами ²⁾ (минг киши)	жамига нисбатан % даги улуши
Ўзбекистон Респ.	57 087,6	7 799,6	100
Қорақалпоғистон Респ.	40 642,2	329,2	4,2
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	61 104,2	776,3	10,0
Бухоро	54 237,0	454,3	5,8
Жиззах	35 441,6	300,7	3,9
Қашқадарё	41 934,0	635,3	8,1
Навоий	46 169,3	239,9	3,1
Наманган	40 055,9	707,5	9,1
Самарқанд	43 961,1	792,5	10,2
Сурхондарё	38 430,9	471,6	6,0
Сирдарё	52 240,0	219,0	2,8
Тошкент	60 274,1	678,7	8,7
Фарғона	58 365,8	918,1	11,8
Хоразм	62 230,0	383,9	4,9
Тошкент ш.	142 803,9	846,4	10,9

2024 йил якунига кўра, аҳолининг касалланиш даражасининг энг юқори кўрсаткичлари Тошкент шаҳри (ҳар 100 минг аҳолига нисбатан **142 803,9 та** биринчи маротаба ташхиси аниқланган ҳолат), Хоразм (**62 230,0 та ҳолат**) ва Андижон (**61 104,2 та ҳолат**) вилоятларида қайд этилган. Энг паст кўрсаткичлар эса Жиззах (**35 441,6 та ҳолат**), Сурхондарё (**38 430,9 та ҳолат**) ва Наманган (**40 055,9 та ҳолат**) вилоятларида кузатилган.

Фарғона вилояти (**918,1 минг киши**), Тошкент шаҳри (**846,4 минг киши**) ва Самарқанд вилоятида (**792,5 минг киши**) даволанган беморларнинг энг кўп қисми қайд этилган. Бошқа ҳудудларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (**219,0 минг киши**), Навоий (**239,9 минг киши**) ва Жиззах (**300,7 минг киши**) вилоятларида кузатилган.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Шифохона муассасаларида даволанган беморлар сони \(жами\)](#)

¹⁾ Тошкент шаҳрида жойлашган марказий тиббиёт муассасаларининг ҳамда республиканинг барча ҳудудларидан пойтахтга даволаниш учун келаётган беморларнинг кўплиги сабабли Тошкент шаҳрида аҳолининг касалланиш даражаси 100 000 кишидан ортган.

²⁾ Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотлар қўшилган ҳолда.

V. Соғлиқни сақлаш бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Соғлиқни сақлаш статистикаси – соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг миқдорий хусусиятларини (соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи, уларнинг ҳолати ва таъминланганлиги, тиббий ходимлар), аҳолининг умумий саломатлик ҳолати ва унинг алоҳида контингентлари миқдорий хусусиятлари, таркиби, касалланиш частотаси ва тарқалишини ўрганувчи статистика тармоғи ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш статистикасининг асосий вазифаси фойдаланувчиларга соғлиқни сақлашнинг ҳолати ва ривожланишини тавсифловчи ишончли расмий статистика маълумотларини ўз вақтида тақдим этишдан иборат.

Соғлиқни сақлаш статистикаси соғлиқни сақлаш тармоқлари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари ходимлари, беморларнинг касалхонага ётқизилиши, тиббий ёрдам кўрсатилиши, соғлиқни сақлаш ресурслари, аҳолининг касалланиш, ногиронлигини қамраб олади, ҳамда ўзаро боғлиқ бўлган статистика кузатувлари ва идоровий маълумотлар тизими билан ифодаланади, уларнинг ҳар бири ўзига хос мавзуга ва статистика кузатув бирликларини шакллантириш хусусиятларига эга.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш бўйича статистик маълумотлар ҳар йили шакллантирилади. Ушбу маълумотлар республика ва ҳудудлар кесимида тақдим этилиб, ҳисобот йили якуни бўйича келтирилади.

Жамланган маълумотлардан соғлиқни сақлаш тизими ривожланишини мониторинг қилиш, режалаштириш, асосли қарорлар қабул қилиш ва сиёсатни ишлаб чиқиш, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадлари ва бошқа халқаро мажбуриятлар доирасида халқаро ҳисоботлар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Фойдали ҳаволалар:

[Соғлиқни сақлаш статистикаси бўйича услубий низом](#)
[Халқаро касалликлар таснифининг 10-таҳрири \(ХКТ-10\)](#)

Тайёрлаш учун масъул:
Ижтимоий соҳа статистикаси
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Эл. манзил: info@stat.uz
Тел.: 71-202-80-00 (1300, 1305)

